

УЎК: 634.662 +664.853

## УНАБИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Очилов Мусирмон Абдурахимович  
Махманазаров Жасур Абдурасулович  
Мирзаев Аҳаджон Мирзокарим ўғли  
Тошкент давлат аграр университети  
*maxmanazarovj@gmail.com*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10544513>

**Аннотация.** Уибу мақолада Унабининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва фойдали хусусиятлари ҳақида малумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Унаби, иқлим ўзгаришилари, юқори озуқавийлик, ёввойи ва маданий навлар, тупроқ-иқлим шароитлари.

### IMPORTANCE AND USEFUL PROPERTIES OF UNABI IN THE NATIONAL ECONOMY.

**Abstract.** This article provides information about the importance and useful properties of Unabi in the national economy.

**Key words:** Unabi, climatic changes, high nutritional value, wild and cultivated varieties, soil-climatic conditions.

### ЗНАЧЕНИЕ И ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА УНАБИ В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ.

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о значении и полезных свойствах унаби в народном хозяйстве.

**Ключевые слова:** Унаби, климатические изменения, высокая пищевая ценность, дикие и культурные сорта, почвенно-климатические условия.

Сўнги йилларда дунёда кўзатилаётган иқлим ўзгаришлари, аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиши, юқори озуқавийлик хусусиятига эга маҳсулотларга бўлган талабни ортиши барча мамлакатларда етиштириш шароитларига тез мослаша оладиган ҳамда озиқ-овқат аҳамиятига эга бўлган ўсимлик навларини интродукция қилишни тақозо этмоқда. Бу борада унаби (*Ziziphus jujuba* Mill.) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ўзининг озуқавийлиги, дориворлиги, шунингдек кўпгина тупроқ-иқлим шароитларига яхши мослаша олиши билан мевали ўсимликлар орасида алоҳида ажралиб туради. Шу боис сўнги йилларда унинг интродукция қилинган ареали тобора кенгайиб бормоқда. Дунё бўйича унаби етиштирувчи 48 дан ортиқ давлатларда унинг эгаллаган умумий майдони 3 млн. гектарни ташкил этмоқда. Унаби етиштиришда етакчилик қилаётган Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, МДҲ, Исройл ва Миср каби давлатларида унабининг озуқавийлиги ва шифобахшлиги юқори, янгилигига истеъмол қилинадиган серсув ва ширин, қайта ишлаш имкониятлари кенг ҳамда қурғоқчиликка чидамли янги навларини яратиш, истиқболли шакл ва навларини интродукция қилиш, кўчат ва маҳсулот етиштириш технологияларини такомиллаштириш йўналишларида кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон ва Мисрда ундан цукат олиш технологиялари яратилган ва


куритиши технологиялари такомиллаштирилган. Шифобахш ва юқори озуқавий қимматга эга маҳсулотларга талаб ортиб бораётган бизнинг мамлакатимизда ҳам унинг янги шакл ва навларини кўпайтириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган долзарб вазифалардан бири хисобланади.

Унаби республикамиз учун истиқболли, аммо нисбатан кам тарқалган мевали йўсимликлардан бири хисобланади, унинг мевалари юқори озуқавий ва шифобахш хусусиятларга эга.

Илмий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра унабининг ёввойи ва маданий навлари биокимёвий таркиби бир-биридан фарқланади. Агар ёввойи унаби мевасида 26-27 % углеводлар мавжуд бўлса, маданий навларнинг меваларида 33 % гача углеводлар мавжуддир. С витамин майдага мевали унаби навларида 880 мг % гача учраса, маданий навларда 680 мг % гача учрайди. Унаби мевалари таркибига кўра С витамин (200-1725 мг %) лимон, ўрик ва қора смородинадан устундир. Унинг яна бир мухим жихати қайта ишлаш жараёнида С витамин микдори 80 % гача сақлаб қолинишиди.

Унаби таркибидаги оқсил 1,9-2,1 %, крахмал 0,7-1,9 %, ёғ 2,9-4,4 % учрайди. Унабини мухим афзаллиги таркибидаги фаол моддалар – антисианинлар, лейкоантицианинлар, Р- витамин (750 мг % гача) кўплигидир. Таркиби жихатдан қора смородинадан кейин иккинчи ўринда туради. Бундан ташқари таркибидаги темир (4,86-6,72 мг %) ва кобальт (4,0-35,1 мг %) бўйича МДХ давлатларида етиштирилган мевалар орасида биринчى ўрин ва йод (10,316,5 мг %) микдори бўйича эса фейхоадан кейин иккинчى ўриндадир [1; 28 - с]. Республикализ аҳолиси кундалик рационида йод элеменларининг етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, унаби мевасининг ушбу хусусияти мухим аҳамиятлилигидан далолат беради.

Мева таркибидаги кислоталар мева ривожланиши жараёнида тўпланиб боради ва пишиб-етилган сари ушбу микдори камайиб кетади. Аскорбин кислотаси меваларда мухим антиоксидант бўлиб, у радикал занжир реакциялари ўказиш орқали эркин радикалларни тозалashi қайд қилинган. Унинг меваларда тўпланиши асосан мева генотипи, етиштириш шароити ва парваришлиш ҳолати билан белгиланади [4; 2682-2691-б].



У.П.Пратовнинг маълумотларига кўра Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида табиий ҳолда тарқалган чилонжийдани юмалоқ меваси эмас, аксинча шакли жихатдан маданий нон жийдани эслатувчи чўзиқ меваси кенг тарқалган. Кекса ёшли инсонлар ҳамда давомли касалликдан чиқкан беморлар чилонжийдани майдаланган мевасидан 20 г ни ярим чойнак қайноқ сув билан дамлаб, 1 соат ушланса ҳамда шу дамламадан кунига овқатдан 30 дақиқа олдин ёки кейин 10 кун истеъмол қилинса хорғинлик ва сурункали касалликдан чиқкан инсонлар учун фойдали ҳисобланади.

Унаби мевалари жозибали қизил рангли кўринишга ва ширин таъмга эга. Унаби меваларини ширин ва озиқавийлик қиймати юқори бўлиши асосан глюкоза, фруктоза ва сахароза миқдорига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, унаби мевалари кўп миқдорда органик кислоталар, минераллар, оқсиллар, витаминалар ва полифенолларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу компонентлар унаби меваларининг озуқавийлик хусусиятларига таъсир қилишда муҳим рол ўйнайди. Масалан, унаби меваларидаги фенолик бирикмалар захарли моддаларга, саратонга, семизликка ва қандли диабетга қарши хусусиятларга эга [4; 325-332 б].

Унаби мевалари терапевтик ва профилактик таъсирга эга бўлган минерал тузлар, макро ва микроэлементлар ва бошқа биологик моддаларни ўз ичига олади. Шунинг учун унаби мевалари йўтал, юрак-қон томир касалликлари, неврастения, сил, жигар ва бўйрак касалликлари учун ишлатилади. Улар сийдик ҳайдовчи тоник таъсирга эга (кўп миқдорда мевалар истеъмол қилиш паст қон босими бўлган одамлар учун тавсия этилмайди. Унаби мевалари диабет ва жинсий дисфункция (эркакларда) билан оғриган одамларга ҳам тавсия этилади. Унаби эмизакли аёлларда сут ажралишини ошириш восита сифатида ҳам хизмат қиласи [3; 26 - с].

Унаби кўпинча “Саломатлик эликсири” деб аталади. Крим саноторияси шифокори О.Я. Кравченко унаби мевалари билан гипертония, варикоз томирлари, ошқозон-ичак тракти касалликлари ва қандли диабет билан оғриган беморларни муваффакиятли даволаган.

Бошқа манбаларда келтирилишича, унаби фитомелиротив ва декаратив ўсимлик сифатида ҳам катта аҳамиятта эга. Ундан қум кутарилиши ва жарликлар ҳосил бўлишини олдини олишида, чўлланган ҳудудлар ва ўрмонларни ҳимоя қилишда эхатазор сифатида фойдаланиш мумкин.

Унаби асаларчилик саноатида ҳам аҳамиятлидир, чунки гулларида нектарларни мавжудлиги туфайли узоқ вақт давомида (1,5-2 ой) асалариларга манба бўлиб хизматт қиласи. Айни гуллаган унабизорда нафас касалликларига чалинган беморларни кунлик сайрлари ташкил этилса, соғайиш коэфициентлари ошади. Шунинг учун унабининг номларидан бири “Кўкрак ўсимлиги” деб ҳам номланади.

Унаби илдизлари тери ва ипакчилик саноатида табиий буёқ сифатида ишлатилади. Илдиз қайнатмаси болаларда соч ўсишини жадаллаштириш, катталарда эса соч тўкилишини олдини олиш ва даволаш учун тавсия этилади. Илдиз пўстлоғи (қайнатма) ич кетишида ва яраларни даволашда ҳам кўлланилади. Ҳиндистонда унаби дараҳтидан кумир ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади [2; 15-16 – б].

Унаби озуқавийлиги ва шифобахшилилк хусусиятлари туфайли озиқ-овқат саноати соҳасида катта аҳамиятга эга. Мевалари асосан янгилигича истеъмол қилинади ва шунингдек ундан турли хил маҳсулотлар жумладан компот, мураббо, джем, цукат, спиртли

ва энергетик ичимликлар, ширин чой қиёми, торт ва нон каби турли хил маҳсулотлар тайёрлаш мумкин [6; 170–179-б].

Унинг меваси силлик ва тиник, катта қизил марваридга ўхшайди, мева эти асал каби ширин ва олма ёки нок каби қарсилдоқ бўлиб, истеъмолчилар ва савдо ташкилотларининг турли талабларини қондираолади. Мевалари транспортбоплиги ва сақланиши осон, қуритилган унаби хона ҳароратида бир йилдан ортиқ, ҳашаротлар назорати яхши йўлга қўйилган 4 °C ҳароратда эса 2-3 йилгача сақланиши мумкин. Хитойда у бир неча мақсадларда фойдаланилади яъни янгилигича ёки қуритилган шаклда, қайта ишлаш саноатида хом-ашё материали сифатида, ҳалқ табобатида, байрам таомларида пархез ва соғломлаштирувчи маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади. Ҳозирда унинг ҳалқаро бозордаги экспорт улуши хитойда < 0,5 % ни ташкил қиласди. [5; 25-32-р].

Унаби меваларининг энергия қиймати ўртacha 55 ккал ёки 228 кЖ ни ташкил қиласди, шу билан бирга нав ва ўстириш худудига қараб 55 дан 311 ккал ни ташкил этиши мумкин, бу албатта бутунги жадаллашган ва фаол ҳаёт тарзимиз учун зарур бўлган юқори энергетик кувват билан таъминловчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## REFERENCES

1. Пономаренко Л. В. Биологические особенности и хозяйственная оценка китайского финика в Прикубанской зоне садоводства: автореф. дисс. ... канд. с.-х. наук. — Краснодар, 2006. — 26 с.
2. Шарипов С.Я., Хотамов И.С., Солихов С.А., Очилов М.А., Чилонжийда, унабини шифобахшилик хусусиятлари. Шарқ табобати журнали, 1-сон. 2021. 15-16- б.
3. Настас Г.В. Рекомендации по размножению зизифуса (унаби) в Молдавии. - Кишинёв, 1985. – 28 с.
4. Hernández, F. etc, (2016). Physico-chemical, nutritional, and volatile composition and sensory profile of Spanish jujube (*Ziziphus jujuba* Mill.) fruits. Journal of the Science of Food and Agriculture, 96 (8), 2682-2691p.
5. Liu, M. Technical Manual for Quality Production in Chinese Jujube (China Agriculture Press, 2004) 36- р.
6. Фан- Юнг А.Ф., Флауменбаум Б.П., Технология консервирования плодов и овощей / Изотов И.К. - М. Пищевая пром-сть, - 1969.-605 с.